O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

...qand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni,
...+998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

...у.г. «26» декабр

№ 1840-К

**“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Аҳрори вали” маҳалласида фукаро Азимов Абдугафорга миллий хунармандчилик (бешиксозлик) устахонаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласида яшовчи фуқаро Азимов Абдуғафор туман ҳокими номига “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласи ҳудудидан миллий хунармандчилик (бешиксозлик) устахонаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, ”Қишлоқ-қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2015 йил 18 августдаги 07-15/46-494 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1.“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Ахрори вали” маҳалласида яшовчи фуқаро Азимов Абдуғафорга “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хожа Аҳрори вали” маҳалласи ҳудудидан миллий хунармандчилик (бешиксозлик) устахонаси қуриш учун 150 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Азимов Абдуғафорга миллий хунармандчилик (бешиксозлик) устахонасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3.Фуқаро Азимов Абдугафор томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б. Кадиров**